ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00374

ЙЎЛ БЎЛАКЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН БАХОЛАШ

Ўктам Холбўтаев
Жиззах политехника институти
kholbutay@mail.ru

Умид Суванов
Жиззах политехника институти магистранти
suvanovud@mail.ru

Шодиёр Ўсканов
Жиззах политехника институти талабаси
shodiyoruskanov98@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида йўл бўлакларининг ҳаракатланиш хавфсизлигига таъсири реал йўл шароитида ўрганилган, таҳлил этилган ва иқтисодий жиҳатдан баҳоланган. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун ушбу йўл бўлаги учун ишлаб чиқилган тавсияларнинг иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган..

Калит сўзлар: йўл-транспорт ҳодисаси, йўл бўлаги, йўл белгилари, йўл жихозлари, қатнов қисми, автомобил, йўловчи, пиёда.

ECONOMIC ASSESSMENT OF THE IMPACT OF LANE TRAFFIC ON ROAD SAFETY

Oktam Xolbotayev
Jizzakh Polytechnic Institute
kholbutay@mail.ru

Umid Suvanov
Master, Jizzakh Polytechnic Institute
suvanovud@mail.ru

Shodiyor Oskanov
Student, Jizzakh Polytechnic Institute
shodiyoruskanov98@gmail.com

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00374

ABSTRACT

In this article, analyzed and economically assessed in real road conditions, the impact of road sections on traffic safety in order to prevent road accidents. The economic indicators of the recommendations developed for this section of the road to ensure traffic safety are given.

Keywords: road traffic accident, road section, road signs, road equipment, roadway, car, passenger, pedestrian.

КИРИШ

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”да юқори даражадаги халқаро стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро болайдиган ва минтақавий ҳамда жаҳон бозорига чиқишни таъминлайдиган Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконцруксия қилиш бўйича кенг кўламли дастурни амалга ошириш ҳам доимий эътиборимиз марказида деб таъкидлаган [1].

Ҳаракат ҳавфсизлигини таминлаш ҳамда транспорт тизимини бошқаришни такомиллаштириш учун давлат миқёсида кенг кўламли ишлар йўлга қўйилмоқда. Жумладан, 2018 йил 6-март куни “Автомобил транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора –тадбирлари тўғрисидаги” қарорни имзолади [2]. Бу қарорда юк ва йўловчи ташувчи транспорт корхоналарининг ҳозирги аҳволи ва аҳолининг транспортга бўлган эҳтиёжининг қондирилмаётганлиги таъкидлаб ўтилган. Бу камчиликларни бартараф этиш ва транспортга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида турли ҳилдаги автотранспорт корхоналарини барпо этиш назарда тутилган. Қарор мазмунидан кўриниб турибдики ҳаракат ҳаврфсизлигини таминлашга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Йўл-транспорт ҳодисаларини иқтисодий баҳолаш бугунки куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ.

Автомобиль йўлларида жароҳатланиш, инсонларни халок бўлиши - хамма давлатларда хам одамларни ҳавотирга соладиган муаммодир. Одамлар автомобиллаштиришга хаётлари билан тўлов тўламоқдалар. Бу тўлов - жуда қиммат ва уни оқлаб бўлмайди. Йўлларда одамларнинг халок бўлиши -

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00374

фожеадир. Шу ҳолатни эътиборга олган ҳолда ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўлларида харакат хавфсизлигини таъминлащ, йўл-транспорт ходисалари сонини ва оғирлик даражасини пасайтириш энг долзарб муаммолардан биридир.

Профессор Азизов Қ.Х ва катта ўқитувчи Абдурахмонов А. нинг **“Пиёдалар ҳаракат ҳавфсизлигини ошириш йўллари”** номли мақоласида ҳам қуйидаги фирлар келтирилади. Ўзбекистонда ўтказилган кўп йиллик кузатувларга асосан йўл ҳаракати қатнашчиларининг тақсимланиши қуйидагича

пиёдалар-77%

йўловчилар-16%

ҳайдовчилар-7%

Кўрсаткичлардан маълум бўлишича йўл ҳаракатининг асосий қатнашчиларини пиёдалар ташкил этмоқда. Шу нуқтаи назардан пиёдаларнинг ҳавфсиз ҳаракатланишини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Доцент Адилов О. ва катта ўқитувчи Исломов Ш. ларнинг **“Ҳаракат ҳавфсизлигини таминлашда автомобил техник ҳолатининг ўрни”** номли илмий мақоласида қуйидаги фикрлар юритилади: “Автомобилларнинг эксплуатацион хусусиятлари кўрсаткичлари транспорт оқимининг хавфсиз ҳаракатланишида иштирок этувчи ҳайдовчининг маҳорати, йўлнинг ҳолати, атроф- муҳит ва бошқа таъсир қилувчи омиллар орқали аниқланади.

МУҲОКАМА

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари:

-маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, махсус ваколатли давлат органларига йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритишга;

-йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича тадбирларда иштирок этишга;

-давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қарорлар ишлаб чиқилишида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этишга ҳақли.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00374

Ҳаракат хавфсизлигини ошириш бўйича тавсия этилган тадбирларда ҳар хил капитал сарфлар келтирилади ва ЙТҲни ортишига таъсир даражаси аниқланади.

ЙТҲда йўқотишларни аниқлаймиз:

$$C_{YTX}^{mav} = \sum n_i \cdot P_i + \sum k_i \cdot M_i$$

бу ерда: n_i – жабрланганлар сони;

P_i – ЙТҲ, натижасида бир одам йўқотилишиш қиймати;

k_i – шикастланган автомобиллар сони;

M_i – шикастланган транспорт воситаларининг материал йўқотилишидаги қийматлари.

М39 автомобил йўлининг 170-180 кмлари 2017 йилда содир бўлган ЙТҲ статистикаси қуйидагича:

Ўлим 6 та 20466000 сўмдан

Жароҳатланганлар 18 та 5210000 сўмдан

1-формуладан ЙТҲдан йўқотишларни қийматини аниқлаймиз:

$$C_{YTX}^{mav} = \sum n_i \cdot P_i + \sum k_i \cdot M_i = 6 \cdot 20466000 + 18 \cdot 5210000 = 132174000 \text{ сўм.}$$

М39 автомобил йўлининг 170-180 кмдаги ЙТҲни камайтириш учун қуйидаги ишларни бажариш мақсадга мувофиқ:

- Йўл ёқасининг четига бетон тўсиқлар (БДО-3) ўрнатиш 179-180 км ва 170-171 кмлар;
- қатнов қисмига 1.1 йўл чизиғини қайта чизиш;
- катнов қисмига 1.5 йўл чизиғини қайта чизиш;
- йўлни 3.24 йўл белгилари билан жиҳозлаш;

Булар ЙТҲни маълум миқдорда камайтиради. Тадбирларни киритгандан кейин ЙТҲдан йўқотишлар қуйидаги формула оркали аниқланади:

$$C_{YTX}^{ko`r} = C_{YTX}^{mav} \cdot k_1 \cdot k_2 \cdot k_3 \cdot k_4$$

бу ерда: k_1 – йўл ёқасига тўсиқлар ўрнатгандан кейин ЙТҲни камайишини ҳисобга олувчи коэффициент, $k_1 = 0{,}56$

k_2 – қатнов қисмига 1.1 йўл чизиғини чизиш натижасида ЙТҲни камайишини хисобга олувчи коэффициент, $k_2 = 0{,}83$

k_3 – қатнов қисмига 1.5 йўл чизиғини қайта чизиш натижасида ЙТҲни камайишини хисобга олувчи коэффициент, $k_3 = 0{,}83$

k_4 – кўчани 3.24 йўл белгилари билан жиҳозлаш натижасида ЙТҲни камайишини ҳисобга олувчи коэффициент, $k_4 = 0{,}26$

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00374

Ушбу $k_1 - k_4$ қийматлар адабиётда келтирилган жадвалдан олинади.

Тадбирларни киритгандан кейин ЙТҲдан йўқотишларни қийматини аниқлаймиз:

$C_{YTX}^{ko`r} = C_{YTX}^{mav} \cdot k_1 \cdot k_2 \cdot k_3 \cdot k_4 = 132174000 \cdot 0{,}56 \cdot 0{,}83 \cdot 0{,}83 \cdot 0{,}26$ сўм

ЙТҲни камайиши ҳисобига тежамкорликни аниқлаймиз:

$$I_{ytx} = C_{YTX}^{mav} - C_{YTX}^{ko`r}$$

$$I_{ytx} = 132174000 - 13257660 = 118916340 \text{ сўм}$$

НАТИЖАЛАР

Йўлнинг ўтказиш қобилияти ва оқлаш муддати ҳамда самарадорлик коэффициентини 4та ҳаракат хавфсизлигини ошириш бўйича тавсия этилган тадбирларни формуласига асосланиб аниқлаймиз. Самарадорлик коэффициентини қуйидаги формула оркали аниқланади:

$$E_h = \frac{I_{ytx}}{C_1 + C_2 + C_3 + C_4}$$

Бу ерда: E_h – ҳисобий иқтисодий самарадорлик коэффициенти;

I_{ytx} – М39 автомобил йўлининг 170-180 кмлар оралиғидаги ЙТҲни камайиши ҳисобига тежамкорлик, **118 916 340** сўм;

C_1 – йўл ёқасига бетон тўсиқлар (БДО 3) ўрнатишнинг смета нархи, КОД АВС га мувофиқ 1км= 50 324 870 сўм бўлиб, қурилаётган йўлга ўрнатилиши мумкин бўлган жойнинг узунлиги 2,5 км, бунда

$C_1 = 50324870 \cdot 2{,}5 = 125812175$ сўм.

C_2 – қатнов қисмига 1.1 йўл чизиғини чизишнинг смета қиймати, Е27-09-016 Т.4 га асосан 64 км = 10 080 000 сўм бўлиб, қурилаётган кўчанинг 8км узунликдаги минтақаси бунда

$C_2 = 10080000 \cdot 0{,}125 = 1260000$ сўм.

C_3 – қатнов қисмига 1.5 йўл чизиғини чизишнинг смета қиймати, Е27-09-016 Т.4 га мувофик 10 км = 2047500 сўм бўлиб, қурилаётган кўчанинг кўрилаётган минтақаси учун

$C_3 = 157000$ сўм .

C_4 – кўчани 3.24 йўл белгилари билан жиҳозлашнинг смета қиймати, Е27 - 83 - 4 га мувофиқ:

$C_4 = 64549 \cdot 6 = 387294$ сўм.

4-формулага асосан самарадорлик коэффициентини аниқлаймиз:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00374

$$E_h = \frac{118916340}{125812175+1260000+157500+387294} = 0{,}93$$

Капитал сарфларнинг оқлаш муддатини аниқлаймиз:

$$T_h = \frac{1}{E_h} = \frac{1}{0{,}93} = 1{,}07 = 391\text{кун; 13 ой, 1 кун.}$$

М39 автомобил йўлининг 170-180 км оралиғи учун тавсия этилган тадбирларни техник-иқтисодий асосланди. Асослаш учун жорий қилинган тадбирларни нархи 2018 йилнинг смета нархи бўйича олинди. М39 автомобил йўлининг 170-180 км оралиғи этилган тадбирларнинг капитал сарфларини қоплаш муддати 13 ой, 1 кунни ташкил этди.

ХУЛОСА

М39 автомобил йўлининг 170-180 км лар бўлагида:

- ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида транспорт оқимининг ҳаракат миқдори ўзгариш қонуниятларини аниқлаш;
- транспот воситаларининг тезлиги ва таркибини ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўзгаришини аниқлаш.

Ушбу тадқиқот иши М39 автомобил йўлининг 170-180 км лар йўл транспорт ҳодисаси (ЙТҲ) миқдорини камайтиришга ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишлар бўйича бундай тадқиқот олдин амалга оширилмаган.

Ўзбекистон Республикасида ЙТҲ лар сонини камайтириш мақсадида, Жиззах вилоятидаги М39 автомобил йўлининг 170-180 кмлар бўлагида хавфсиз харакатланишини ошириш учун тадқиқот ишлари олиб борилди ва керакли тавсиялар берилди.

REFERENCES

1. Автомобил транспорт корхоналари бўйича солиштирма капитал маблағларнинг меъёрлари. -М,: РСФСР Автотраснпорт вазирлиги ИТММБ, 1985 й. - 118 б.
2. Автомобил транспорти корхоналари учун технологик лойиҳалашнинг умумиттифоқ меъёрлари, (ОНТП 01-86), -М: РСФСР Автотраснпорт вазирлиги ИТММБ, 1986 й. - 129 б.
3. Автомобил транспорти корхоналари учун технологик лойиҳалашнинг умумиттифоқ меъёрлари, (ОНТП 01-91), -М: Гипроавтотранс, 1991 й. - 184

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00374

4. Кузнецов Е.С. «Автомобилларнинг техник эксплуатацияси ривожининг илмий-техникавий тараққиётининг ва истиқболининг йўналишлари» -М.: МАДИ, 1987. -90 б.
5. Бегматов, Б. Я. (2020). Техника олий таълим муассасаларида талаба амалиёти тадқиқи. *Academic research in educational sciences*, (3).
6. Бегматов, Б., Ҳаққулов, Б., & Ҳаққулов, К. (2020). Транспорт воситаларини синаш усуллари таҳлили. *Academic research in educational sciences*, (3).
7. Бегматов, Б. Я., & Ҳаққулов, Б. А. (2020). Кафолат даврида автомобилларнинг техник ҳолатини текшириш. *Academic research in educational sciences*, (3).
8. Адилов, О. К., Кулмурадов, Д. И., & Бегматов, Б. Я. (2014). Переходные характеристики машины при скачкообразном повороте рулевого колеса. *Молодой ученый*, (20), 101-104.
9. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. У. (2020). Создание программных средств автоматизированной информационной системы транспортных предприятий. *Academic research in educational sciences*, (1).
10. Адилов, А. К., Сувонкулов, Ш. А., Кулмурадов, Д. И., Умиров, И. И., & Бойжигитова, И. А. (2019). Причины изменения технического состояния автомобиля. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (1-2), 116-118.
11. Адилов, О. К., Умиров, И. И., & Уразов, Б. А. (2020). Методика определения деталей, критических по надежности автомобилей. *Academic research in educational sciences*, (1).
12. Умиров, И. И. Ў., & Ҳамракулов, Ё. М. (2020). Автомобиллардан чиқаётган газсимон чиқиндиларнинг атмосферага аралашиши. *Academic research in educational sciences*, (1).
13. Адилов, О. К., Умиров, И. И. Ў., & Барноев, Л. (2020). Транспортни ҳавфсиз бошқариш кўрсаткичларини баҳолаш. *Academic research in educational sciences*, (1).
14. Бегматов, Б. Я., & ўғли Холиқов, Д. Р. (2021). Автотранспорт корхоналари мисолида автомобиллар техник ҳолатининг ҳаракат хавфсизлигига таъсирини баҳолаш. Academic research in educational sciences, 2(1).
15. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. (2020). Улучшения эксплуатационных показателей двигателей газобаллонных автомобилей. *Academic research in educational sciences*, (3).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00374

16. Azimov, A., & Muxtarov, A. (2021). Avtotransport korxonalarida texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash ishchilarini kompetensiyaviy yondoshuv asosida tayyorlash va malakasini oshirish metodikasi. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 258-265.
17. Odilov, N. (2020). The analysis of the development of gas cylinder supply system. *Academic research in educational sciences*, (3).
18. Azimov, A. (2020). Avtomobilsozlik sanoatida polimer va kompozit materiallardan foydalanishning samaradorlik ko'rsatgichlari. *Academic research in educational sciences*, (1).
19. Эшонқулов, М. З. (2020). Транспорт воситаларининг ишлаб-чиқариш техник база билан таъминланганлик даржаси тадқиқи. *Academic research in educational sciences*, (4).
20. Umirov, I., Turushev, S., & Ravshanov, F. (2021). Йўл бўлакларининг ҳаракатланиш хавфсизлигига таъсирини таҳлил қилиш. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
21. Исроилов, Ф. И., & Норқулов, А. Я. (2021). Юкларни истеъмолчи манзилига етказиб бериш жараёнини бошқариш модели. *Academic research in educational sciences*, *2*(1).
22. Бегматов, Б., & Эшонқулов, М. (2021). Иссиқ иқлим шароитида автомобил двигателларининг ишлаш хусусиятларини аниқлаш усуллари таҳлили. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
23. Нуруллаев, У., Отақулов, З., & Эгамназаров, Н. (2021). Қиш мавсумида автомобиль йўлларининг ўтказиш даражасига қўйиладиган талаблар. Academic research in educational sciences, 2(2).
24. Нуруллаев, У., Абдиев, А., & Эгамназаров, Н. (2021). Тоғли ҳудудларни автомобиль йўлларини қишки сақлаш шароити бўйича туманлаштириш. Academic research in educational sciences, 2(2).